


ТАСДИҚЛАЙМАН

Ўзбекистон Республикаси
Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги
Жамоатчилик кенгаши раиси

 Л.Мухаммадназаров
2023 йил «24» март

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгаши йиғилиш

БАЁНИ

Тошкент шаҳри

№ 2

2023 йил 24 март

Йиғилишга раислик қилди: Лутфулла Мухаммадназаров, *Кенгаш раиси*

Иштирок этдилар: Шухрат Суюнов- *Кенгаш раиси ўринбосари*
Жамоатчилик кенгаши аъзолари (рўйхат
бўйича)
ОАВ вакиллари:
Ўрол Пардаев – “O‘zbekiston” радиоканали
сиёсий шарҳловчиси, Холиёр Абдиев -
“O‘zbekiston 24” телеканали катта муҳаррири

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини, ахборот олиш эркинлигини таъминлаш орқали жамоатчилик назоратини такомиллаштириш.

Йиғилишни Жамоатчилик кенгаши раиси Л.Мухаммадназаров кириш сўз билан очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир кўшимча чоратadbирлар тўғрисида” 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сонли фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини, ахборот олиш эркинлигини таъминлаш орқали

жамоатчилик назоратини такомиллаштириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Хусусан, давлат органлари ва ташкилотлари ҳар йили 1 мартга қадар ўз фаолиятига оид ҳисоботни расмий веб-сайтларига жойлаштириши ҳамда 1 апрелга қадар ўз фаолиятига оид ҳисоботни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш учун матбуот анжуманлари ўтказиши белгиланган.

Ҳисобот вазирликнинг бевосита биринчи раҳбари ёки унинг вазифасини бажарувчи бошқа мансабдор шахс иштирокида ўтказилиши кўзда тутилган.

Йиғилишда таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги 6247-сонли Фармонида мувофиқ, очик маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик 14 турдаги маълумот Ўзбекистон Республикасининг Очик маълумотлар портали – <https://data.egov.uz> ҳамда вазирликнинг расмий веб-сайти – www.water.gov.uz нинг асосий менюсида ташкил этилган “Очик маълумотлар” бўлимига жойлаштириб борилмоқда.

Жумладан, Республика пахта майдонларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилган талабгорларга 2022 йилда “Агро-субсидия” ЯАТ орқали ажратилган субсидиялар, Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида хусусий шериклар бошқарувига берилган сув хўжалиги объектлари, вазирлик тасарруфидаги хизмат автотранспорт воситалари, хизмат уйлари ва бошқа кўчмас мулклар, вазирлик мансабдор шахсларининг хизмат сафарлари харажатлари ҳақидаги ва шу каби маълумотлар белгиланган муддатларда жойлаштирилган.

Мазкур Фармоннинг 2-бандида, вазирлик ва идоралар ҳар йили 1 мартга қадар ўз фаолиятига оид ҳисоботни *(давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно)* расмий веб-сайтларига жойлаштириб, 10 мартга қадар уни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш жойи ва вақти ҳақида хабар бериши белгилаб қўйилган.

Шунга кўра, “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2022 йилдаги фаолиятига оид ҳисобот” веб-сайтга жойлаштирилди. Шунингдек, вазирлик Ҳайъатининг 2022 йил якунларига бағишлаб ўтказиладиган йиғилиши жорий йилнинг 28 февраль куни соат 10:00 да ўтказилиши ҳақидаги эълон сайтга жойлаштирилди.

Йиғилишда “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” ҳамда “Агро илм” журналлари Бош муҳаррири – Жамоатчилик кенгаши аъзоси Тоҳир Долиев сўзга чиқиб, Сув хўжалиги вазирлигининг 2022 йилдаги фаолиятига оид ҳисобот расмий веб-сайтга қўйилганлигини, лекин фақат бажарилган ишлар

ва ижобий кўрсаткичлардан иборат бўлиб қолганлигини таъкидлади. Йўл қўйилган камчиликлар, раҳбар ходимларга кўрилган жазо чоралари, масъулиятни ошириш бўйича қабул қилинган қарорлар ҳақида маълумотлар келтирилмаган.

Т.Долиевнинг таъкидлашича, 2023 йил 28 февралда бўлиб ўтган Сув хўжалиги вазирлиги ҳайъат йиғилишининг 3-баёнида вазир ўринбосарлари, вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, туманлар ирригация бўлимлари ҳамда вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Ҳукумат қарорлари билан 2022 йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижросини сўзсиз таъминлаш борасидаги амалга оширилган ишлар талаб даражасида эмас деб топилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-144-сон қарори билан 2022 йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ижросини белгиланган муддатда ва тўлақонли таъминламаганлиги, зиммасига юклатилган вазифаларни бажара олмагани ҳамда ўз фаолиятини давлат сиёсати ва амалга оширилаётган ислохотларга мос равишда ташкил этмаганлиги учун 5 нафар раҳбар ходимлар эгаллаб турган лавозимидан озод этилганлиги айтиб ўтилган.

Сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, сувнинг ҳисоб-китобини тўғри йўлга қўйиш, сув хўжалигининг махсус хизматини ҳамда гидрометрия хизматини ташкил этиш масалалари юзасидан 2022 йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқлар ижросини белгиланган муддатда ва тўлақонли таъминламаганлиги учун 6 нафар раҳбар ходимга сўнгги маротаба огоҳлантириш билдирилган.

Бироқ, бу жиҳатлар ҳисоботда очиқ акс эттирилмаган.

Йиғилишда “O‘zbekiston” радиоканали сиёсий шарҳловчиси Ўрол Пардаев сўз олиб, вазирлик ўз фаолиятига оид ҳисобот юзасидан матбуот анжумани ўтказмаганлигини таъкидлади.

Йиғилишда Сув хўжалиги вазирининг матбуот котиби – ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси, Жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари Ш.Суюновга сўз берилди.

Ш.Суюнов ҳақиқатдан ҳам расмий сайтдаги ҳисоботда 2022 йилдаги фаолиятга доир камчиликлар кўрсатилмаганлиги, прогноз кўрсаткичлар ва топшириқлар ижросини белгиланган муддатда ва тўлақонли таъминламаганлиги учун раҳбар ходимларга ҳайъатнинг йиғилиш баёни билан кўрилган жазо чоралари очиқланмаганлигини тан олди.

Конституциямизнинг 13-моддасида Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг шаъни, кадр қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият сифатида белгиланганидан келиб чиқиб, шундай қилингани тўғрисида изох берилди. Кейинги ҳисоботларни эълон қилишда бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилиши таъкидланди.

Ш.Суюнов ёзги суғориш мавсуми 1 апрелдан бошланиши муносабати билан тайёргарлик масалаларини ўрганиш, ғалла ва пушта суғоришни ташкил этиш мақсадида март ойининг охиригى ўн кунлигида Сув хўжалиги вазири, унинг ўринбосарлари, тегишли бошқарма бошлиқлари ҳудудларга хизмат сафарига чиққан бўлиб, ҳозирда раҳбарият иштирокида ОАВ билан матбуот анжумани ўтказиш имкони йўқлигини айтиб, апрель ойи охиригача бу борада кенг кўламли анжуман ўтказилишига ваъда берди.

Кенгаш аъзолари Х.Лапасов, Р.Шаропов, М.Икромова сўзга чиқиб, ўз таклифларини билдирдилар.

Йиғилиш қарор қилди:

1. Сув хўжалиги вазирлиги матбуот хизматининг вазирлик фаолияти очиқлиги ва шаффофлигини, ахборот олиш эркинлигини таъминлаш орқали жамоатчилик назоратини такомиллаштириш бўйича ишлари **етарли эмас деб топилсин.**

2. Вазирликнинг Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими бошлиғи, кенгаш аъзоси Х.Лапасовга **бир ҳафта муддатда** жамоатчилик назоратини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиб, вазирлик раҳбариятига киритиш топширилсин.

3. Сув хўжалиги вазирининг матбуот котиби – ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси, Жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари Ш.Суюнов **апрель ойи охиригача** вазирлик фаолиятига доир матбуот анжуманини уюштириш чораларини кўрсин.

4. Вазирликнинг очиқлик бўйича сиёсати ҳар чоракда Жамоатчилик кенгашида муҳокама қилиб борилиши ҳамда расмий веб-сайтда ёритилиши йўлга қўйилсин.

Йиғилиш баённомасини

расмийлаштирди:

Кенгаш котиби:



У.Эрназарова